

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 87 (65963)  
1996 йил, 23 ноябрь, шанба

Сотувда эркин  
нархда

## МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказиш ҳам яхши анъанага айланган. Самарқанд, Фарғона, Урганч лицейлари тарбияланувчилари уртасида ўтказилган ана шундай мусобақаларда голиблик Тошкент ҳарбий лицейи ўқувчиларига насиб этди.


Ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказиш ҳам яхши анъанага айланган. Самарқанд, Фарғона, Урганч лицейлари тарбияланувчилари уртасида ўтказилган ана шундай мусобақаларда голиблик Тошкент ҳарбий лицейи ўқувчиларига насиб этди.

етокхона талабалар ихтиёрида. «Халқ оғзаки ижоди», «Мумтоз газаллар мафтуниман», «Пифагор», «Программист», «Ёш кимёгар», «Миллий ҳарбий анъаналар», «Грек-рим кураши», миллий кураш турлари, бокс, оғир атлетика, қўл жанги, во-

рининг тарихий ва маданий ёдгорликлари билан танишиб, музей ва кургазмаларни томоша қилишади. Самарқанд, Бухоро, Хива сингари қадимий шаҳарларга саёҳатга боришади. 20 мингдан зиёд дарслик ва 10 мингга яқин бадиий адабиётларга эга булган бой кутубхона талабалар билан гавжум. Ўқувчилар «Шарқ халқлари адабиёти», «Ҳозирги замон ўзбек адабиёти», «Илмий-оммабоп адабиёт», «Спорт ва тиббиёт», «Фантастика ва ҳарбий саргузаштлар», «Сен аскар булмоқчисан» каби булимлардан ўзларига маъқул китобларни танлаб олишади, ўқув фанлари буйича зарур адабиётларни ҳам ана шу булимлардан топишади.


Бир сўз билан айтганда, лицей ўқувчиларининг буш вақтлари деярли йўқ ҳисоби. Олдиларига қўйган мақсадлари ҳам аслида шу — ўқиб-ўрганиш, чиниқиш, соғлом ва баркамол йигитлар булиб улғайиш. Ўзларида чидам ва бардошлик, мардлик хислатларини шакллантира бориш. Чунки Ватанни мардлар қўриқлайди. Соғлом, абжир ва зукко ўғлонларга ишонамиз фаровон кунларимизни. Шу сабаб ҳам хотиржаммиз. Шу сабаб ҳам фахримиз—гуруримиз сиз—ўғлонлар деймиз. Умидимиз алданмасин.

**Феруза ЖАЛИЛОВА.**



Ҳарбий лицей тарбияланувчилари туққизинчи синфни муваффақиятли тамомлаган 15 ёшдан кичик ва 16 ёшдан катта булмаган ўқувчилар орасидан танлов асосида қабул қилиниб, икки йил давомида таҳсил олади. Ҳарбий лицейда талабаларнинг яшаши, ўқиши, синфдан ташқари ва оммавий спорт билан шугулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Дарс хоналари, ҳарбий кабинетлар, 4 та спорт зали, тир, спорт шаҳарчаси, ҳарбий машқ майдони, дам олиш хоналари, кинозал, 450 уринга мўлжалланган

лейбол каби 20 дан ортиқ фан ҳамда спорт тугараклари мунтазам ишлаб турибди. Санъат ихлосмандларидан «Ҳарбий оркестр» ва «Парвоз» номли вокал-чолгу ансамбллари ташкил қилинган. Ўқувчилар тез-тез Ҳамза, Муқимий, Горький номли театрларга, концерт залларига бориб туришади. Тошкент мусиқали комедия театри жамоаси билан лицей тарбияланувчилари орасида мустақкам дўстлик алоқалари урнатилган. Сайр-саёҳатлар уюштириш ўқувчиларнинг жону дили. Дарсдан буш вақтларида Тошкент шаҳ-



Акаси ҳарбий хизматни утаб қайтган болакайни ҳеч кузатганмисиз? Катталар билан иши йўқ, ўзи билан ўзи овора. Акасининг каттақон шапқасини кийиб олиб, қулини пешонасига тираганча шаҳдам одимлайди. Буйруқ берувчи ҳам, уни бажарувчи ҳам ўзи. Мақтанмагани яна ким қолди-а?.. Ҳатто ухлаётганида ҳам шапқасини ечгиси йўқ.

Қўшни болакайлар томонидан нишонлари тала-тала булаётган аскар йигитнинг қузида жилваланган ёшга улчов борми? Негаки, Ватанни қўриқлаб, уйга, қўни-қўшни, маҳалла-қўй олдига ёруғ юз билан муносиб қайтган аскарнинг юртга, юртдошларига соғинч, меҳр ёшлари бу!

Ахир, аскар шу юрт, шу ватан, шу ватандошларини қўриқламадимиз?


Тошкентдаги ҳарбий касбларга йўналтирувчи лицей-мактаби ўқувчилари ҳам яқингинада аскарликни ният қилиб юрган болакайлар эдилар. Эндликда зобитликни орзулаб, таҳсил олишяпти.

Она замин ҳар нарсага қодир: бугдой нони билан туйдириши, зилол сувлари билан чанқокни қондириши, уз гузаллиги билан ҳайратга солиши мумкин. У фақат ўзини-ўзи ҳимоя қила олмайди, холос. Она заминни ҳимоя қилиш — унинг нони, сувидан баҳраманд бу-

лаётган, гузалликларидан завқ олаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Шундай экан, хавф-хатар туғилган пайтда Ватан ҳимоясига шай туриш ҳар бир мард, жасур ўғлоннинг бурчидир. Бунинг учун эса ҳар бир усмир пухта жисмоний тайёргарликка, мустақкам саломатликка эга булмоғи, ўзини зобитлик касбига тайёрлаб бормоғи лозим. Энг муҳими — она Ватанга муҳаббат! Бу туйғу унинг ҳимоясига шайланган ўғлонлар учун жуда муҳимдир. Тошкент ҳарбий лицейи ёшларда айнан ана шундай сифатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Мазкур ҳарбий лицей 1983 йилда ташкил қилинган булиб, рус тилини чуқур ўрганиш ва жисмоний-ҳарбий тайёргарликни кучайтириш республика махсус мактаб-интернати деб аталган. 1992 йилда бу мактаб-интернат Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтириш буйича республика лицейига айлантирилди. Шу йиллар давомида лицейни 800 дан ортиқ нафар ўқувчи муваффақиятли якунлади. Улар орасида олтин, кумуш медаллар ва Фахрий ёрликлар билан мукофотланганлари ҳам талайгина.

Тошкент ҳарбий лицейи ўзининг анъаналарига эга. Унинг тарбияланувчилари Мустақиллик куни ва Ғалаба байрамларида фахр билан саф тортиб утадилар.



### Доно бобо ўғитлари

Қаҳрамон исми бир одам бор эди. Унинг кўзлари жуда узоқни ҳам яхши кўрар, қўлоқлари заифгина товушни ҳам илгарди. Қисқаси, бу хислатларда Қаҳрамонга тенг келадиган одам йўқ эди.

Кунларнинг бирида дўсти бунинг сабабини сўриштирди-ю. Қаҳрамонжон ўз сирларини очди.

— Мен кичиклигимдан бошлаб ҳар нарсага диққат қиламан. Ҳар доим узоқ жойлардаги нарсаларга тикилиб, уларнинг нима эканликларини билишга қизиқаман. Бундан ташқари аъзоларимни чиниқтириб борганман. Мана шунинг

учун кўзларим бошқаларникидан кўра яхшироқ кўради, қўлоқларим энг секин товушларни ҳам эшитади, бошқа кишилар сезмаган ҳидларни сезаман.

Мана, болаларим, Қаҳрамоннинг сирларидан воқиф булдингиз. Энди менинг сўзларимни ҳам ёдингизда тутинг.

Инсоннинг аъзолари қанча кўп чиникса, шунча, қувватли булади. Шунинг учун уларни доим ҳаракат эттириб туринг, бадан тарбия дарсларини эса зинҳор—базинҳор қанда қилманг.

Ғайрат билан ишланг, меҳнатни севинг, асло ялқов булманг. Дунёда ҳар бир инсон ва ҳайвон ғайрат

билан ишлаши соясида ейиш-ичишни ва бошқа истагини таъмин қилади. Ҳар одам, ҳатто ҳайвонлар ҳам бирор юмуш билан машғулдирлар.

Меҳнат одамнинг сало-матлиги учун энг буюк даводир. Меҳнатсеварлар доимо роҳатда умр кечирадилар. Ҳеч кимга муҳтож булмайдилар. Уз овқатларини ўзлари топадилар. Ялқовлар роҳатсизликка дучор буладилар. Бошқаларга муҳтож булиб қоладилар. Шунинг учун иш, меҳнат одам учун керакдир.



# ЭНДИ УЯТГА ҚОЛМАЙМИЗ,

— дейди бош бошқарма бошлиғи Х.Қ. Йўлдошев.

Х.Қ. Йўлдошев Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи. Ишлари, юмушлари жуда кўп. Шундай бўлса-да, фурсат топиб, доимо болалар даврасига ошиқадилар. «Тонг юлдузи» ҳақида сўз кетганда, «Ленин учқуни» менинг болаликдаги қадрдоним. Уни ўқиб фикримиз теранлашди, камол топдик. Газетани ҳали-ҳануз қўлимдан қуймайман» дея чеҳралари ёришиб кетади.

Обуна мавсуми қизгин давом этаётган кунларда

— Сизни кўпинча мактаб ва боғчаларда, мактабдан ташқари муассасалар, яъни болалар даврасида учратиш мумкин. Бу болаларга бўлган меҳрингиз боисими ёки касб тақозосими? — деб сўз бошладик.

— Болаларни ким севмайди? Болалигимда тезроқ катта бўлиб қолишни орзу қилардим. Ҳозирги кунда меҳрибон ота-онанинг бизларни тарбиялаб, вояга етказгунча қилган меҳнатлари, чеккан заҳматлари, машаққатлари ҳақида ўйласам, усмирлигимдаги айрим «болалик» шухликларим учун изтироб чекаман...

Қай бир масканда бўлмай, болажонларни «болача тилда» суҳбатта тортаман, уларнинг фикрлаш доираси, хоҳиш ва интилишлари билан қизиқаман. Бари зийрак ва зукко, ҳозиржавоб угил қилар. Кимдир компьютерга,

кимдир тарихга, кимдир техникага қизиқади, яна кимдир санъатга ошно, бирлари табиат шайдоси. Болалик даври кўп нарсаларни библиолик олиш, ўқиб-ўрганиш имкониятларига бой даврдир.

— Иқтидорли ўқувчилар, уларга бўлаётган эътибор хусусида қандай фикрдасиз?

— Шаҳар халқ таълими бош бошқармаси тасарруфида 330 та умумтаълим мактаби, 20 та усмирлар спорт мактаби, 19 та болалар ва усмирлар ижодиёти марказлари ишлаб турибди. Уларда 335055 ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Мактаб, туман, шаҳар миқёсида 12 йўналиш бўйича иқтидорли болалар кўрик-танловларини ўтказиш яхши анъанага айланган. Иқтидорли ўқувчиларни иқтисодий-ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳомиш ташкилотлар, жамғармалар, маҳаллалар кенг жалб қилинмоқда. Шаҳар ва туманларда иқтидорли ўқувчилар ахборот банклари ташкил қилинган. Жорий йилда кўплаб иқтидорли ўқувчиларимиз қатор ҳалқаро кўрашма-олимпиадаларда қатнашиб, совринли уринларни эгалладилар. Йилдан йилга шаҳримизда янги турдаги ўқув муассасалари сони кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунда лицей-мактаблар сони 17 тага, мактаб-гимназиялар сони 28 тага етди. Шунингдек, шаҳримизда иқтисодий йўналишидаги мактаблар, гуманитар, лингвистик йўналишида-

ги умумтаълим мактаблари, тарих, ҳуқуқшунослик, математика, тиббиёт, педагогика йўналишидаги мактаблар мавжуд. Буларнинг баарида билимга чанқоқ, иқтидорли ёшларимиз таҳсил олишади.

— «Тонг юлдузи»нинг ҳозирги ўқувчиларига қандай тилакларингиз бор?

— Китобни севадиган, газета-журнал ўқийдиган болалардан ёмонлик кутиб бўлмайди. Чунки улар болаларни фақат яхшиликка, эзгуликка, билимдонликка етаклайди. Куча-қуйда турли ширинликлар, сақич ва уйинчоқлар сотилаётган дуқонлар олдида уймалашиб турган болаларнинг китоб расталари ёнидан бефарво ўтиб кетаётганликларини кўриб, ачиниш кетаман. Маънавиятсиз келажак йўқ, деганларидек, лоқага газета ўқиб туришса, фойдадан холи бўлмасди. Айни кунларда бошқа матбуот нашрлари қатори «Тонг юлдузи» газетасининг обунаси ҳам уюшқоқлик билан ўтказилаяпти...

Аммо... Жуда хафа бўлиб кетаман, бир мавзуга қайта-қайта қайта-веришга. Сим қоқдинлар, «обуна билан шугулланишаяпти» дедим. Яна сим қоқдинлар, матбуот тарқатиш мутасаддиларининг гапи, сизга берган обуначилар сони тўғри эмас. Ходимларингиз келсин, машина бераман. Ҳар бир мактабга бориб, чиндан ҳам «Тонг юлдузи» га қанча ўқувчи обуна бўлганини билиб олади, — дедим.

Яна суҳбатдан фойдаланиб, шу мавзуга қайтайсизлар-а?

— Катта шаҳар, ўқувчилар ҳам кўп. Бултурги обуначиларимиз сонини санаб, бу йил ҳам шундай бўлса, уят-да, — деб гапираяпмиз-да.

— Энди уятга қолмаймиз. Тўғри, обуна нархи қиммат. Қиммат экан, деб уз газетасини ўқувчилар ўқимаса, яна узимиз ютқазамиз. Шунинг учун сизлар ҳам бумавзуга қайтавериш, бизни эзаверманлар. Бизлар ҳам эзмалик қилиб, сизларга ваъдалар беравермайлик...

\*\*\*

**Жўжани кунда санашиди, деганларидек, биз ҳам обуна ҳақидаги саволимизга аниқ жавоб оломай, яхши ният қилиб ўйлаиб қолдик. Айтинг, айтинг, галвир сувдан кўтарилганда Ҳ.Қаюмович ҳам биз каби... йўғ-е, ахир болалар билан ишлаб, болалик хотираларига бот-бот қайтадиган шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғининг сўзи мактаб ташкилотларига ўтар. Ахир шаҳримиздаги умумтаълим мактаблари, спорт мактаблари, болалар ва усмирлар ижодиёти марказларида 335055 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия**



олаётган экан. Шуларнинг ҳеч бўлмаганда, 10 минги олти ойга ёки бир йилга «Тонг юлдузи»га обуна бўлиб, ўзининг ўқимишлигини газетамизга ёзадиган хатлари сони кўпайиши билан ҳам исботлашар. Вилоятлардан, Қорақалпоғистон, Чимкент, Навоҳатлардан манзилимизни излаб мактаблар келса-ю ён-веримиздаги шаҳар мактаблари ўқувчиларидан хат-хабарлар ололмасак... Бу олис-олисларга етиб бораётган «Тонг юлдузи» миз пойтахт мактабларига етиб бормайтганининг далолати эмасмикин?...

**Муҳтарам РАЖАПОВА** — Тошкент шаҳар прокуратурасининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижросини назорат қилиш бўлими бошлиғи:

— Бугун жиноят этган усмирни дарҳол назорат остига олинмаса, жиноят илдишлари аниқланиб, бартараф этилмаса, эртага катта жиноятчига айлланиши ҳеч гап эмас. Болалар томонидан жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар содир этилишини, авваламбор ота-онанинг уз фарзанди келажакка бўлган бефарқлиги оқибати деб қараш керак. Жиноят содир этган усмир одатда бу ноҳуя ишларга тусатдан қўл урмайди. Унга қадар боланинг хулқ-атворида секин-асталик билан уша жиноятга мойиллик пайдо була боради. Агар бунга уз вақтида аҳамият берилганида эди, аксарият ноҳуш воқеаларнинг олдини олиш мумкин буларди.

1980 йилда туғилган 159-мактабнинг 10-синф ўқувчилари Котляр ва Ивановлар бир неча ой давомида Гидротехникум ёнига бориб, кўпша-қундуз кунни талончилик билан шугулланиб юришган. Ёлғиз келаятган талабаларни тухтатиб, аввалига ойлик транспорт чипталарини, соатларини, кейинча-

Бола тарбияси ҳаминша энг долзарб мавзу бўлиб келган. Бу борада неча асрлар қандай тарбия берсак бола келажак учун яхшироқ бўлади? деган саволга узил-кесил жавоб топишмаган. Демак, ёшлар тарбиясига қайғуриш ҳамма учун муҳимдир.  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институту биргаликда ўтказган илмий амалий семинар кенгаш ҳам худди шу масъулиятнинг самарасидир. Вояга етмаганлар хулқ-атворидаги гайриқонуний кўринишлар ва уларнинг олдини олиш соҳасига бағишланган семинарда туман ҳокимлиги, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва халқ таълими идоралари, маҳалла фаоллари турли жамғарма вакиллари иштирок этдилар.

## БОЛАЛАР ЖИНОЯТИ ҚАЕРДАН КЕЛАДИ?

лик эса пуллар, ҳатто кийимларини тортиб олишгача борганлар. Қизиги шундаки, содир этилаётган жиноятлар ҳақида техникум талабалари ҳам, ўқитувчилари ҳам кўра-била туриб ломим дейишмаган. Бу каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Бугунги илмий-амалий семинар бу каби муаммоларни ҳал қилишда яна бир илгари босилган қадам булади, деб умид қиламиз.

**Сайфулла ОҚМИРЗАЕВ** — Мирзо Улуғбек туманидаги оқсоқоллар кенгаши ҳамда тумандаги «Гулистон» номли ўзини-ўзи бошқарув кенгаши раиси:

— Ҳар бир босилган қадам — одатда, одат эса бора-бора характерга айланади. Айни шу характер инсоннинг будунёда ким бўлиб яшашини, қандай яшашини тақозо қилади. Шундай экан, жондан азиз фарзандларимизнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб туриш, ота-она, мураб-

бий билан бир қаторда маҳалла оқсоқолларининг ҳам бурчидир. Зеро, Ватанчимизнинг келажакки, бахт-саодати, гуллаб-яшнаши мана шу болаларга тўғри тарбия беришимизга боғлиқ. Улар қалбига ҳалоллик ва покликни сингдириш барча учун энг муҳим вазифа булиши ке-

**Насихат**  
*Ота-онанинг ҳурмат қилиниги, уларнинг насихатларини тинглиниги, сўзларидан чиқманг, уларга итоат қилиниги, буюрган ишларини дарров бажаринг, қаршилик курсатманг. Ота-онани ҳурмат қилмаганлар, уларнинг насихатларини қўлоққа олмаганлар хор булади. Ота-она уз болаларининг ёмон бўлишини ҳеч вақт истамайди. Улар нима сўзласалар, болаларининг фойдаси учун сўзлайдилар. Шунинг учун ота-онанинг сира ҳам ранжитманг, уларнинг измидан чиқманг.*

рак.  
Мактабда ўқувчиларга ҳуқуқий билимлар билан бирга, диний билимлардан ҳам сабоқ берилишини хоҳлардим. Ёки умумтаълим мактаблари билан диний мактаблар уртасида ҳамкорлик йулга қуйилса, балки ижобий натижалар берармиди?..  
**Эркин ЖўРАЕВ** — Бектемир тумани «Қамолот» жамғармаси раиси:  
— Нимага болалар уртасида жиноятчилик содир этилмоқда.  
Назаримда, мактаб ўқувчиларининг бекорчи вақтлари жуда кўп. Катталар тили билан айтганда «туполончи» ўғил болаларнинг кўпчилиги мактабга ота-онасининг мажбурлаши билан боради. Баъзида эса ўқитувчилар ҳам бундай болалардан тезроқ «қутилганига» хурсанд. Менимча, ўғил болаларни кўпроқ тугарақларга жалб қилишимиз лозим. Мактаблар қошида кичик корхоналар ташкил қи-

либ, айнан шундай «безори» болалар иш билан банд қилинса, янада яхши буларди. Хуллас, ёшлар уртасида бекорчиликка йўл қўймаган маъқул. Ахир бекордан худо безор, деган гап бор. Ҳамма хунук ишлар бекорчилик орқасидан келиб чиқади.

**Назира МАҚСУДОВА** — Шайхонтоҳур туманидаги 34-мактаб директори:

— Бундан бир неча йиллар илгари мактабларимизнинг 80 фоиздан ортиқроғини эркак ўқитувчилар ташкил қиларди. Ҳозир эса акси. Ҳатто ота-оналар мажлисига ҳам фақат оналар келадиган бўлиб қолди. Демак, мактабда ҳам, уйда ҳам фарзанд тарбияси билан кўпроқ оналар шугулланишгандир. Бола тарбиясига оталарнинг роли қамайиб кетаётганга ухшайди.

Ҳуқуқ ходимлари тухтовсиз чора-тадбирлар қўриётгани, бу каби семинарлар қайта-қайта ўтказилаётгани мактаб ўқувчилари орасида жиноятларнинг қамайишига олиб қелмоқда.

**Таҳририятдан:**  
Ҳурматли газетхон, азиз ўқувчи, муътабар ота-оналару муҳтарам муаллим! Сизларнинг бу борадаги қимматли фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.  
**Феруза ОДИЛОВА.**

Саҳифамиз меҳмони Шерали Сокин узоқ йиллардан бери республикамиз матбуотида самарали меҳнат қилиш билан биргалликда, И. Андрич, В. Шукшин, К. Икромов романларини, бошқа бир қатор адибларнинг асарларини узбекчалаштирган. «Хаммаси одамларга қолади», «Орол мадад сурайди» тупламлари муаллифи.

— Шерали ака, сизнинг мухбирлик иқтидорингиз халқ қайғусида тиниб-тинчимаслигингиз, жажжи ўқувчиларимиз учун ҳар қанча ўрнак бўлишга арзийди. Бу

рини, журналист — даврнинг виждони эканлигини, у ожизлар ҳақини кучлилар қулидан ажратиб олиб бериши кераклигини ургатишди.

— Сизнингча болалик қандай давр? Унинг қадрига етганмисиз?

— Менинг болалигим қаҳлиқировли уруш даврига туғри келди. Онамдан жуда эрта жудо бўлдим. Отамни уруш қомига тортиб кетди. Очлик, муҳтожлик ақлимни барвақт киритди. Бироқ, болалиқнинг қадрига барибир етмаганман. Узи инсон нимадандир жудо булгандан кейингина унинг қад-

### Бизнинг мусоҳаба

— Мактабга ялангоёқ тизза бўйи қор кечиб қатнаганман. Тегирмонга тушиб, ундан омон чиққанман, десам, ҳозир ким ишонарди? Қиш кезлари совуқ булар, тулука печка ҳул чирқаноқ утини тутаб дуруст иситмас, сиёҳдондаги сиёҳ музлаб қоларди. Бармоқларим совуқда шишиб кетгани учун ручкани ушлаш олмаган кунларим булган. Уқитувчим қулларимни қор билан ишқалаб, эпақага келтирарди. У қиш чиққунча мактабга қатнамай тур, — деб йиғлаб юборган. Мен эса барибир бораверардим. Бошқа уртоқларим ҳам ҳар қандай қийинчиликлар-



Асалоиларнинг қушниси Садбар хола билан Ҳошиммакининг ёлғиз ўғлидан булак ҳеч кими йуқ бўлиб, ночоргина яшашарди. Чолу кампир ўғдини уйлантирди-ю, оилага файз кирди. Саббаби, келинчакнинг қулида гулдек хунари бор экан. У дупши тикар, тикканда ҳам такрорланмас нусха яратар ва у бозорда энг қиммат нарҳда сотиларди. Қуп утмай бу хонадон бадавлат оилага айланди.

— Келинчак эпли экан, — олқишларди қушнилари, — унинг ҳаракатлари билан йигит ҳам ишбилармон бўлиб кетди.

— Бу воқеани эшитиб, хунар урганишга менинг ҳам иштиёқим ошди, дейди Шоира, — йигирувчиликни урганиб олдим. Урта мактабни тамомлагач, Сирдарё туманидаги ип йигирув фабрикасига ишга кирдим. Қадимий хунар сир-асорларини кундан-кун пухтароқ эгаллаётгандайман.

Ҳозир Шоира ва унинг дугоналарини ҳамма ишнинг қузини билувчи хунармандлар сифатида жуда-жуда ҳурмат қилишади.

Суратларда: 1. Ўз касбининг устаси бўлиб қолган Мируэрт Дўсимова. 2. Шоира Алиқулова танлаган касбидан мамнун.

Ҳолмурод ТОШМУХАМЕДОВ олган суратлар.

### ЭПЛИ ЭКАН ҚИЗАЛОҚ

Хунар — хунардан унар



сам, яхши есам, яхши кийинсам дейди. Ҳаётнинг моҳиятини шундан иборат деб билади. Баъзилари пул топиш қуйига тушиб кетган. Агар билсангиз жамият учун бу фожеа. Унинг олдини олиш ҳаммамизнинг вазифамиз.

— Болаликка қайтиш мумкин булганда эди, қайси армонингизни даволаган бўлардингиз?

— Бизнинг авлод ҳою ҳаваслардан йироқда усди. Болаликка қайтиш мумкин булганда эди, менга велосипед, уйинчоқлар сотиб олиб беришларини сураган булардим. Шунинг учун бўлса керак, гоҳо болаларимнинг уйинчоқларини уйнайман...

## МУХБИРЛИКНИНГ МАШАҚҚАТЛИ НОНИ



йўлга сизни нима етаклаб келди?

— Биз мактабда эркин мавзудаги иншоларни жуда қуп ёзар эдик. Уқитувчимиз Умарқул Бозоров ёздиравериб, маслаҳат беравериб чарчамасди. Кунлардан бир кун унинг маслаҳати билан туман газетаси таҳририятига мақола йуллаган эдим. Бир кун шу эълон қилиниб қолди. Бир бунга хурсанд булган бўлсам, қалам ҳақи қулимга теккач, қувончимга яна қувонч қушилди. Бу пулга шоша-пиша туфли ва ярим қадок қанд сотиб олдим. Ортиб қолган икки сумча пулни эса бобомга келтириб бердим. Бобом бир пулга, бир қулимдаги туфли ва қандга қаради-да, «ҳим-м, ҳим-м» лаганича қошларини чимириб, қулидаги мисраг билан ноҳос белимга тушириб қолди: «Мана сенга хувари». Яна угирлик қилгудай булсанг, омон қолмайсан бола!» Уртага бувим тушмаганларида билмадим яна қанча калтак ердим. Бу воқеадан хабар топган уқитувчим эртаси кун бобомга ҳаммасини тушунтириб берди. Унинг ушандаги ҳайратлари ҳечам ёдимдан чиқмайди: «Убба... Бу давлат хуп анойи эканми? Ҳам шеърингни босиб чиқарса, ҳам пул берса-я...»


Хуллас, журналистликнинг аччиқ нонини илк маротаба ана шундай татиб курганман. Кейинчалик ҳам эълон қилинган материалларим, фелъетонларим учун қуп марта калтак ейишимга туғри келган. Аскарваччаларга отаонаси номидан дуои салом езиб берадиган, унча-мунча давраларда «Кунтуғмиш», «Ширин билан Шакар», «Маликаи айёр», «Эрли ва Шерали», «Гуруғли», «Алпомииш» каби халқ достонларини узимча образга кириб, ўқиб берадиган бўлдим. Кейинчалик тақдир мени Саттор Ҳайдаров, Умарали Норматов, Ҳасанхужа Муҳаммадхужаев, Файбулла Салом, Улмас Жамол каби ажойиб устозлар билан учраштирди. Улар менга қаламкашлик сир-асорла-

рига ета бошлайди-да. Мен ҳам болалиқнинг жудаям гузал, бегубор давр эканлигини кеч англаганларданман. Менинг Зарафшон дарёси соҳилларида угайлик-уксикликда кечган болалигим, афсуски, қайтмас бўлиб кетган.

— Болалигингизда сизни қуп савалашганми?

— Бир гал китоб ўқишимга ҳалал бергани учун уттизгача товугимизни катта қопга қамаб, қоп озини тош билан бостириб қуйганман. Товуқларнинг димиқиб улишини қайдан билай? Муаллимим Жума Турсуновнинг «шу ишинг сигирга эгар ярашмагандек хунук булибди», — деган танбеҳини синаб курмоқчи бўлиб, қушнимиз Боғлон момонинг сигирини эгарлаб минганман. «Итнинг ичига сариёғ (сигма) ёқмас деган мақолнинг туғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун итимга сариёғ едирганман. Уйни пойлаш учун мени қолдирганларида бир сандиқ қурут, бир қорин сариёғни одамларга талатиб юборганман. «Барон Мюнхаузеннинг саргузаштларини» чироқ ёруғида ўқиб етганимда ухлаб қолиб, курплани куйдирганман. Бобом бозорда сотган сигирнинг пулини угирлаб олиб уқитувчимга олиб бориб берганман. «Бобом бериб юборди, шунга китоб-дафтар бераркансиз», — деганман ёлғондан. Ушанда уқитувчим: «У-ху... Дафтар, қалам сотиб олган билан бу пул юз йилда ҳам тамом бўлмайди, деган. Буларнинг ҳаммаси учун калтак еганим тайинда.

— Болалигингизда ёдингиздан чиқмас бўлиб қолган нарсалар ҳақида сўзлаб бера оласизми?



ни енгиб мактабга келишарди. Мен болалигимдаги ана шу изтиробли воқеаларни «Қирқ бешинчи йил нони», «Этик», «Булуғ қуйнидаги ҳилол», «Шанба—якшанба», «Кук сомса», «Очил бобо» каби ҳикояларимда бадиий тасвирлаб беришга ҳаракат қилганман. Ҳозир шу гапларни сизга айтяпману куз олдимда мени бурилар тажовузидан қутқарган вафодор итим Митька, мушугим Нуруллавовай, угай она қулида ҳалок булган қариндош қиз Зулфия, бувим ва бобомнинг меҳри, Олмазордаги (собиқ Вревская бекати яқинидаги) болалар уйи директори Х. А. Ҳидоятова бир-бир утмоқда. Барибир болалик бошқача-да.

— Ўрта мактабни тамомлаб, дарҳол ТошДуга қирдингизми?

— Қаёқда дейсиз? ТошДуга кирганимга қадар кончи, чилангар, электровоз ҳайдовчиси, бетончи, монтер, уқитувчи, брикеллаш фабрикасида машинист юкчи, темирчига шоғирд тушишимга, ҳаёт аччиқ-чучугини татишимга туғри келган.

— Болаларга Ватанга бўлган муҳаббатни, ҳақиқатни, эътиқодни қандай тушунтирган бўлардингиз?

— Назаримда бундай аъмолларни англаш инсонга она суғи билан бирга киради. Ҳаётда бу туйғуларга амал қиласиз, аммо уларни суз билан тушунтириб беролмайсиз. Фақат бир фикрни айтишим мумкин. Шу Ватанга булган муҳаббат мени сибирик туркийлар хузурига, Помир тоғларига, улаётган Орол денгизи соҳилларига йуллади, очерклар, мақола ва эсселар ёзишга ундади.

— Қандай одамларни яхши кўрасиз?

— Хайрихоҳ одамларни севаман. Дуст хиёнат қилиши, душман пайт пойлаб туриб оғиндан чалиб йиқитиши мумкин. Аммо ушанда хайрихоҳ одам келиб сени урнингдан турғазиб эгнингдаги чанг тузонни қоқиб қуяди. Шунингдек, иродали, мард, угли, шудли одамларни ҳам севаман.

— Болалар тарбияси ҳақида ўртоқлашсангиз?

— Катта ўғлим тунов кун: «Дада, бизни туғри қилиб устирдигиз, аммо берган тарбиянгиз ҳаёт қонунларига зид экан», — деб қолди. Унга берган жавобимни бошқа болаларга ҳам айтай.

«Агар ҳозир қийналсангиз, кейин роҳатини курасиз. Инсон нима учун дунёга келади. Нима учун дунёдан кетади — ана шу ҳикматнинг моҳиятини англаб етсангиз, кам бўлмайсиз. Жамоат транспортда катталарга жой беринг, дуо оласиз. Агар ҳозир жой бермасанлар, кексайағларингизда Сизларни автобусдан ташқарига улоқтириб ташлайдиган авлод етишиб чиқади. Буни қайтар дунё дейдилар. Узим болаликдан қаттиқ оёқ оғригига мубтало бўлсам-да, ҳали-ҳануз кексалар ва аёлларга жой бераман. Чунки, бизнинг болалик чоғимизда катталар олдида ялпайиб утириш, уларнинг ҳурматини жойига қуймаслик айб саналарди.

— Энди фақат туғрисиини айтинг. Етишиб келаётган ҳозирги авлоддан кўнглингиз тўқми?

— Кўнглим тўқ. Шу билан бирга майда мақсад йулида узини қурбон қилаётган ёшлар борлигини ҳам яширмайман. Улар яхши ич-

Жалолиддин РУМИЙ

## БҮРИ БИЛАН ТУЛКИНИНГ АРСЛОН ЁНИДА ОВ ҚИЛГАНЛАРИ

Бир кун арслон ов қилишга узи билан бури ва тулкини ҳам бошлаб борди. Катта улжа қулга тушса, судраб келишга ёрдамлашсинлар, деди. Аслида арслоннинг гурури бури билан тулки ҳамроҳлигида юришни маън этса ҳам, шундай булди. Аммо, осмонда ҳам ёруғ юлдуз атрофида мигти юлдузчалар айланиб турган вақтида чиройли манзара ҳосил булади. Уччаласининг ови бароридан келди. Улар куп утмай, зубр, эчки ва қуённи тутиб олишди. Арслон билан бирга юрган хор булмайди, ундан қолганини есақ ҳам роса маза қиламиз, деб уйлашди бури билан тулки. Чунки, янги чавақланган улжаларнинг қонидан буг кутарилиб, буларнинг иштаҳасини қитиқлаётган эди-да.

Куп улжа қулга кирганидан оғизлари қулоғига етган бури билан тулки уни энди ҳар биримизга яраша адолатли булиб оламиз, деб уйладилар. Буларнинг кузлари очофатликдан ялтираётганини сезган арслон ичида «Хомтаъма булясанлар, сен таъмагирларнинг адабини бериб қуйиш керак», — деб уйлади. Ахир, одамларнинг ҳам, ҳайвонларнинг ҳам подшоҳлари қул остидагиларнинг очкузлигини ва ноинсофлигини кечирмайдилар-да.

Арслон бир букириб бури билан тулкини қурқитиб қуйгач, деди:

— Сен, эй бури, ичингда мени адолатсиз деб уйлаясан. Қани, менинг буюклигимга шерик булиб, улжани булиб қурчи!

Бури қурқувдан титраб-қақшаб, улжаларни бундай булди: «Сен подшоҳимиз, ҳаммамиздан куп меҳнат қилдинг, шунинг-чун, сергунт зубр сенга булсин. Менга эчки ҳам булаверади. Тулки ана

қуённи ола қолсин!».

Аслида бу адолатли булиш эди. Аммо арслонга бу ҳурматсизликдай булиб қуринди. «Эй, малъун, — деди у бурига, — сен ақлинг қисқа, ҳовлини пойлайдиган итдан ҳам баттар экансан, менга аҳмоқона маслаҳат бердинг!» деб, бир чангал уриб, бурини улдирди.

— Энди сенинг навбатинг, — деди у қурқиб, утакаси ёрилаётган тулкига. — Қани, ақлинг булса, улжани бул!

— Хуп булади, шожим, — деди тулки одоб билан. — Жаноби олийлари, зубр сизга нонушталик булсин, тушликда — эчкини енг, кечкурунликка қуённи ейсиз, уйқу олдида энгил таом булгани яхши! Бу гапларни эшитиб, арслоннинг газаби меҳр-мурувватга айланди ва тулкидан сурди:

— Мундоғ доноликни қаердан ургандинг!

Тулки кулимсираб жавоб берди:

— Ҳаёт — устоз, дейдилар. Бурининг аҳволи менинг ақлимни киритди.

Тулкининг жавобидан арслон хурсанд булиб:

— Айёр тулки экансан! — деди.

Ана шунақа. Қадим замонларда ҳам айёр тулкиларнинг иши юришган экан. Шу каби, одамзод ҳам бировларнинг бахтидан еки бахтсизлигидан ибрат олади.

«Худоба шўқри, арслон овни булишни аввал бурига топширди. Йўқса, унинг урнига мен тамом булардим», — деб уйлади тулки.

Насрий баён муаллифи  
Маҳкам МАХМУД.



Сўзма-сўз эмас, фикрий тугаллик таржиманинг биринчи шarti, — дейди Алишерга онаси Дилбар Сафарова.

Бир циркда бир масхарабоз бор эди. Циркда бундан ташқари шер, йўлбарс, фил ва велосипед уча оладиган маймунлар ва бир қанча акробатлар бор эди.

Қачон оркестр уйнаганда, ҳайвонлар ва акробатлар ҳазиллашганларида улар чапак чапиб куллар эди. Масхарабоз чикқанида ҳамма чапак чапиб кулди. Лекин, би-

ринчи қатордаги Ангелина деган қиз хафа қуринди. Шунда оркестр масхарабозга: «Масхарабоз, сен, одамларни кулдиришинг керак» — деди. Биринчи қаторда хафа булиб утирган қизчани қурган масхарабоз бур-

жаҳли чиқиб кетди: «Агар у кулмаса, мен циркни ташлаб кетаман», деб уйлади масхарабоз.

Шу пайт қоқилиб кетди. Ангелина бундан қурқиб кулди юборди.

— «Жуда яхши, — уйлади у. — Улар кулди-

бир неча конфетлар берди. Масхарабоз конфетнинг озгинасини Ангелинага берди. У жуда хурсанд булиб кетди ва уни упиб қуйди. Шу кундан бошлаб, масхарабоз ҳар гал саҳнага чиққанда уша қизалоқ куз олдига келаверади.

Инглизчадан  
Алишер САФАРОВ  
таржимаси,  
102-мактабнинг 7-синф  
ўқувчиси.

АНГЕЛИНА ВА  
МАСХАРАБОЗ

нини қизил қилиб олдиди, қаторларнинг олдига утириб, патифалар айтиб бера бошлади.

Ҳамма кулди, лекин Ангелина кулмади. Ундан кейин филлар масхарабозга сув сепишди, шунда ҳам Ангелина кулмади. Унинг жудаям

ди! Қандай яхши! Мен энди яхши масхарабоз бўла оламан.

Кейин у қаторларнинг олдига бораётди йиқилди. Бу ишни қурган одамлар ҳам, Ангелина ҳам кулди юборди. Кейин оркестр унга: «Сен жуда яхши масхарабозсан» — деб,




Бўш вақтларда

ЖАВОБЛАРИНГИЗНИ  
ТЕКШИРИБ  
КЎРИНГ

Газетамизнинг 78-сонидан эълон қилинган чайнворднинг жавоблари: 1. Урок. 2. Қор. 3. Рафт. 4. Гиеҳ. 5. Ҳовуз. 6. Зарра. 7. Автол. 8. Лок. 9. Куше. 10. Соғт. 11. Турп. 12. Перу. 13. Уран. 14. Неон.

Мақол: Ақл кукка етказар,  
Хунар купга етказар.

«ЭНГ»  
ЧАЙНВОРДИ

1. Ер юзидаги энг катта ярим орол. 2. Америка қитъасидаги энг баланд шаршара. 3. Илм-фан соҳаларини энг мукамал эгаллаган кишига бериладиган ном. 4. Дунёдаги энг бепоён музлик улкаси. 5. Танаси энг қаттиқ дарахлардан бири. 6. Марказий Осиёдаги энг қадимий китоб номи. 7. Энг катта миқёсда утказиладиган спорт мусобақалари. 8. Овруподаги худуди энг кичик давлатлардан бири. 9. Жанубий Америкадаги энг катта

чул. 10. Энг серсув дарё. 11. Дунёдаги энг қадимий шаҳар. 12. Узбек ипак газламасининг энг қуҳна ва урф булган тури. 13. Йилнинг энг иссиқ даври. 14. Энг азиз неъмат. 15. Энг серсув ҳул мевалардан бири. 16. Дунёда энг бепоён дара ҳосил қилган дарё. 17. Осиё қитъасидаги энг совуқ жой. 18. Олим ва шоир Умар Ҳайёмнинг шарқ халқларининг қуҳна баҳор байрами ҳақидаги энг мукамал .... асари. 19. Энг қудратли музёра кемалардан бирининг номи. 20. Гудакларга айтиладиган энг биринчи қушиқ.

Тузувчи: Фозилжон  
ОРИПОВ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ  
Ўзбекистон болалари ва  
ўсмирларининг газетаси

Бош  
муҳаррир  
Умида  
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,  
Марат ШАФИЕВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА.

ИВМ компютерида терилди ва  
саҳифаланди. Офсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г-0642.  
7691 нусxada босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босишга тоширини вақти 19.00  
Тоширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби  
№ 000137  
• Манзилимиз: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй.  
• Нашр кўрсаткичи: № 64563  
• Телефон:  
33-44-25